



Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси

билан

Жаҳон божхона ташкилоти ўртасида

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида

Жаҳон божхона ташкилотининг Минтақавий божхона лабораториясини

ташкил этиш тўғрисида

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Жаҳон божхона ташкилоти, кейинги ўринларда “Иштирокчилар” деб аталувчилар,

Савдо ҳажмининг ортиши, савдонинг глобаллашуви ва минтақавий интеграциялашув ҳажмининг ортиши божхона маъмуриятлари олдида улкан вазифалар қўйишини **англаб**;

Савдони янада соддалаштириш зарурияти ва чекланган ресурслар билан кўпроқ натижаларга эришиш божхона маъмуриятлари ва Жаҳон божхона ташкилоти ўртасида ҳамкорликни янада уйғунлаштиришни талаб қилишини **тан олиб**;

Халқаро ва минтақавий ҳамкорлик божхона органлари фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим асос яратишини **эътироф этиб**;

Божхона лабораториялари божхона маъмуриятларининг муҳим элементи эканлиги ва улар фаолиятини таҳлилий ҳамда илмий қўллаб-қувватлаш божхона органлари олдида турган вазифаларни бажаришга салмоқли ҳисса қўйишини **англаб етиб**;

Жаҳон божхона ташкилоти ўз аъзоларига божхона лабораторияларини модернизациялаш ва божхона мақсадларида кимёвий таҳлил қилиш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий масалалар бўйича тегишли ва мазмунли ўқитиш ҳамда техник ёрдам кўрсатишини **эътироф этган ҳолда**;

Жаҳон божхона ташкилотининг ўз аъзоларига ёрдам кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда Давлат божхона қўмитасининг муҳим роли ва салмоқли ҳиссасини **эътироф этиб**;

Қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳридаги Божхона лабораториясига Жаҳон божхона ташкилотининг Минтақавий божхона лабораторияси (матнда кейинги ўринларда “Минтақавий божхона лабораторияси”) мақомини берадилар.

2. Жаҳон божхона ташкилоти Минтақавий божхона лабораторияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида, божхона мақсадлари, шунингдек, бошқа тегишли илмий масалалар бўйича минтақавий тренинг, техник ёрдам ва ахборот алмашиш хизматини тақдим қилади.

3. Давлат божхона қўмитаси Минтақавий божхона лабораториясининг муносиб фаолият кўрсатишини таъминлаш учун ўқув қўлланмалари, конференция хоналари, лабораториялар ва бошқа жиҳозларни тақдим қилади.

4. Мазкур Англашув Меморандуми доирасида минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва тармоқ алоқаларини ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- амалдаги қонунчилик доирасида таҳлил қилиш методологияси ва техникаси бўйича маълумот ҳамда тажриба алмашиш;
- Иштирокчилар ташкил этадиган конференциялар, форумлар, консультациялар, семинарлар, симпозиумлар, давра суҳбати ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;
- ҳамкорликда тадқиқотлар ва ишланмалар ҳамда таҳлилий шарҳлар тайёрлаш.

5. Ҳамкорлик тадбирларини ўтказиш шартлари, тартиби ва маблағлари Томонлар ўртасида ҳар бир ҳолатда мазкур масалада уларнинг тегишли қоидалари асосида келишиб олинади.

6. Иштирокчилар тажриба ва илғор амалий натижаларни алмашиш мақсадида Жаҳон божхона ташкилотининг бошқа минтақавий божхона лабораториялари билан мулоқотни ривожлантиришга интиладилар.

7. Иштирокчилар мазкур Англашув Меморандуми имзолангандан сўнг 30 кундан кечиктирмасдан унинг қоидаларини амалга оширишдан келиб чиқадиган масалаларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли ходимлар, шунингдек, уларнинг электрон почта манзиллари рўйхатини алмашадилар.

8. Мазкур Англашув Меморандумини қўллаш билан боғлиқ келишмовчиликлар Иштирокчилар ўртасида музокаралар воситасида ҳал қилинади.

9. Иштирокчиларнинг ўзаро ёзма розилигига асосан ушбу Англашув Меморандумига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

10. Мазкур Англашув Меморандуми халқаро шартнома ҳисобланмайди ҳамда Иштирокчилар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтирмайди.


11. Мазкур Англашув Меморандуми у имзоланган санадан кучга киради.

12. Мазкур Англашув Меморандуми бир Иштирокчининг уни амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида иккинчи Иштирокчига ёзма хабарнома юбориши орқали тугатилиши мумкин. Ушбу ҳолатда Англашув Меморандумининг амал қилиши мазкур хабарнома олинган кундан бошлаб 3 ой ўтгач тугатилиши керак.

Тошкент шаҳрида “25” ноябрь 2021 йилда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.


Мазкур Англашув Меморандуми қоидаларини талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси номидан



Акмалхўжа Мавлонов
Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси Раиси

Жаҳон божхона ташкилоти
номидан



Кунио Микурия
Жаҳон божхона ташкилоти
Бош котиби